



# YOSHLAR OVOZI

## ЮРТНИ ОБОД ЭТАЁТГАНЛАР ШАРАФЛАНДИ

Юртимиз ободлиги, файли ва кўркеми, замонавий қиёфаси қурувчиларнинг машаққатли меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Муҳташам бинолар, зилод фавворалар, кенг ва раvon йўллар, сўлим истироҳат боғлари, маҳобатли кўприкларни қуриб уларнинг меҳнати тасаннолар айтаемиз. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда август ойининг иккинчи яшанбаси қурилиш соҳаси ходимлари кўни этиб белгиланган.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ташкил этилган тантанали тадбирга қурувчи ва меъморлар, муҳандислар, йўл-соҳанинг фидойи мутахассислари таклиф этилди.

Тантанали тадбирни Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А.Тўхтаев кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда қурилиш, меъморчилик ва шаҳарсозлик йўналишида ўзига хос анъаналар шаклланди. Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилган юксак эътибор натижасида соҳа-

да улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-مائий шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда юртимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди.

Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун юртимизда кўплаб пудрат ташкилотлари, бош лойиҳа институтлари, лойиҳа ташкилотлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим даргоҳларида соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Сунгги йилларда қурилиш, архитектура ва лойиҳалаштириш бўйича миллий қонунчилик мутасил тарзда такомиллашиб бормоқда. Тасдиқланган мақсадли дастурлар доирасида арзон намунавий уй-жойлар, кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурларини ҳаётга изчи таъбиқ этишда, анҳор ва каналларимиз мусоффолиги, соҳилларининг ободлигини таъминлашда қўли гул қурувчиларимизнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ Бунёдкорлик ишларимизнинг БОШ МАҚСАДИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 август кўни Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида мисли қурилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бугун пойтахтимиз том маънода қурилишлар майдонига айланган. Янги-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, раvon йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор туманида Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприкни бориб кўрди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар учун қўлайлик яратиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда. Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замона-

вий кўприк шулардан биридир.

Шавкат Мирзиёев гоёси ва ташаббуси билан бунёд этилган ушбу иншоот қадим Тошкентнинг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда, уни янгилаш, замонавий мегаполисга айлан-тириш, пировардида аҳолининг узоғини яқин қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилган йўл ўтказгичининг умумий узунлиги 667,5 метр, эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баланглиги 8 метр, кенглиги 24,5 метр. Кўприкда автомобиллар 6 қаторда ҳаракатланади. Шунингдек, 124 метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги қурилди. Ногирон ва кексаларга қўлайлик яратиш мақсадида лифт ва эскалатор ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиди, қурувчилар билан мулоқот қилди.

— Мамлакатимизда кўприк қуриш бўйича ўзига хос мактаб яратилди, — деди Президентимиз. — Ушбу кўприкни барпо этган бунёдкорларга алоҳида

билдираман. Бундан кейин қуриладиган кўприклар ҳам сифатли, жуда пухта бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, кўприклар ҳам бизнинг бунёдкорлик тимсолимизга айланмоғи зарур.

Объект қурилишида 50 га яқин техника, 250 дан зиёд ишчи-ходим иштирок этди. Йўл ўтказгич қурилишида 35,7 минг куб метр тўпроқ, 42,6 минг куб метр бетон ишлари бажарилди. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, атроф кўккаламзорлаштирилди ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Янги иншоотни лойиҳалаштиришда ёритиш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унга кўра, кўприкка жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган энергия тежайдиган жиҳозлар ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев бундай иншоотларни қўлайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан пухта лойиҳалаштириш, сифатли ва замонавий қилиб қуриш зарурлигини таъкидлади. Ушбу майдон ва кўчаларда янада қўлайлик яратиш бўйича тавсиялар берди.

(Давоми 2-саҳифада)

## МУСТАҚИЛЛИК

27  
ЙИЛ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллиги муносабати билан мамлакатимиз тарихида биринчи марта қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган 2 минг 700 нафар маҳкум афв этилди.

## ESHITDINGIZMI?

### ЯНГИ МАРКАЗ

ТОШКЕНТДА ҚУРИЛАДИ



Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази давлат рўйхатидан ўтказилди. Истикболда мазкур тузилма ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши керак. Уни ташкил этиш ташаббуси эса, Президентимиз томонидан илгари сурилган.

### Кўқонда

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛАДИ



Жорий ўқув йили учун унга беш таълим йўналиши бўйича 125 нафар йигит-қизни қабул қилиш белгиланган. Талабалар контингенти таълим йўналишлари бўйича республика олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган, бироқ тўплаган баллари энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган абитуриентлар ҳисобидан тўлов-контракт асосида шакллантирилди.

### ДЕКАБРДА

ЗАМОНАВИЙ КУРОРТДА ДАМ ОЛАМИЗ



Юртимизда жаҳон андазаларига мос келувчи «Amirsoy» тоғчанги курорти очилади. У Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида барпо этилмоқда. 900 гектар майдонни эгаллайдиган мажмуадан мураккаблик даражаси ҳар хил бўлган қорли тоғчанги трассалари, 7 осма дор йўли, сноуборд парки, спорт мактаби, меҳмонхона ва бошқа объектлар жой олиши кутилмоқда.

Қурилиш ишларини жорий йилнинг декабрь ойида яқунлаш режалаштирилган.

Ўз ахборотимиз.

## ЎЗБЕКISTONДА ХАЛҚАРО ЁШЛАР КУНИ НИШОНЛАНАДИ



Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси 12 август — Халқаро ёшлар кўнига бағишланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган

тадбирда халқаро тузилма вакиллари ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Сессияда БМТ ваколатхонаси томонидан ёшлар учун амалга оширилган лойиҳалар хусусида маълумот берилди. Аксарият ташаббуслар йигит-қизларнинг етакчилиги қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижодий салоҳиятини юзага чиқаришдан иборат.

Тадбир давомида қайд этилганидек, 12 августда юртимиз бўйлаб турли тадбирлар, масалан, ижтимоий тармоқлар орқали жонли мулоқотлар, шунингдек, спорт мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилги Халқаро ёшлар кўни «Ёшлар учун хавфсиз майдонлар» шiori остида нишонланади.

Мухбиримиз

## ЕНТИРОМ

### ИЖОДИ — КАТТА МАКТАБ

Юртимизда атоқли қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг таваллуд тоған кўни кенг нишонланди



— Мен ўланни ёзаман тушунганга, Авлодимга бир сабоқ бермоқ учун, — деб ёзган эди шоир бир шеърида. Дарҳақиқат, қозоқ оқинининг ижодини ўқиш, ўқиш ва ўрганиш ёшлар тарбияси учун муҳим. Президентимизнинг жорий йил 13 мартдаги «Буюк қозоқ шоири

ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори замирида мана шу эзгу мақсадлар мужассам.

Кеча эзгулик ва дўстлик куйчаси Абай Қўнонбоев юбилеи муносабати билан пойтахтимизда ташкил

этилган тантанали маросимда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирилик ва идоралар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек,

Шарқий Қозоғистон вилоятидан келган делегация аъзолари жам бўлди.

Иштирокчилар дастлаб шоир ҳайкали пойига гул қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Тадбирда сўзга чиққанлар қадриятлари бир-бирига уйкаш икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда улўғ алломаларимизга эътиром кўрсатиш катта маъно касб этишини таъкидлади.

Шундан сунг ёшлар Абай шеърларидан ўқиб берди. Дўмбира жўрлигида шоир яратган уланлардан бири куйланди.

Тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давом этди. У ерда Абай Қўнонбоевнинг «Сайланма» асари ҳамда «Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари» номи адабий-таҳлилий мақолалар тўпламининг тақдими ўтказилди.

Боборовшан  
ФОЗИДИНОВ

## MUNOSABAT

### ТЕСТ СИНОВИ ҲАМ БИР СИНОВ

Талаба институт ёки университетга илм олиш, касб-кор эгаллаш мақсадида киради. Ҳарқалай, шундай бўлиши керак. Афсуски, баъзи ҳолларда бунининг аксини кўряпмиз. Шуниси аниқки, гирром билан бошланган иш, ундан кейин ҳам ўшандай давом этаверади. Англаган бўлсангиз, гап олий таълим муассаса-

ларига кириш имтиҳонлари хусусида.

Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта бакалавриятга кириш имтиҳонлари таълим муассасаларига тегишли биноларда эмас, балки мутлақо ҳолис жойда бўлиб ўтмоқда. Шунингдек, тест синовларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида

жараён видеокўзатув камералари орқали жамоатчилик, шу жумладан, абитуриентларнинг ота-оналарига онлайн тарзда намоиш этилмоқда.

Аслида гап яратилган шароитларда эмас, балки пора олиб, пора бериб, бировнинг ҳақини еб таълим тизимини булгаётган, минг-минглаб фуқа-

роларда ишончсизлик уйғотаётган баднафс кимсалар пайи қирқилаётганидир.

Оилада тўғри тарбия қўрган, оқни қорадан фарқлай оладиган фарзанд, табиийки, бундай иллатларга яқин йўламайди. Лекин беш қўл баробар эмас-ку, орамиздаги одамлар ҳам ҳар хил.

(Давоми 2-саҳифада)

## Йўқолаётган «Дунё»



4

## ЮРТНИ ОБОД ЭТАЁТГАНЛАР ШАРАФЛАНДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

қаратилмоқда.

Қисқа фурсатда кўпга ижтимоий соҳа объектлари, муҳташам спорт саройлари, йирик иншоотлар ва инфратузилма, саноат, ишлаб чиқариш объектлари, замонавий талабларга жавоб берувчи истироҳат боғлари фойдаланишга топширилмоқда. Тунеллар, кўприклар, замонавий транспорт боғламалари, шидатли давр руҳини ўзида акс эттирувчи ишбилармонлик марказлари жонажон пойтахтимизнинг қиёфасини мутолқо узгартириб юбориши шубҳасиз. Шаҳарсозу меъморларимизнинг меҳнати билан юртимизнинг барча гўшаси таниб бўлмас қиёфага кирмоқда.

Соҳани жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш соҳа ривожининг янги даврини бошлаб бериши. Қурилиш-шаҳарсозлик, меъморлик йўналишида шидатли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб соҳа ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Улкан бунёдкорлик ишлари жараёнида миллий маънавиятимизга улкан ҳисса қўшган алломалар қўним топган зиёратхоналарини таъмирлаш, уларни обод масканларга айлантиришга жиддий эътибор

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу ерда давлатимиз раҳбарига пойтахтимиз ва ҳудудларда мавжуд кўприклар ҳолати, янги режалар ҳақида маълумот берилди. АҚШнинг «CRAFCO» компанияси ишлаб чиққан махсус техника ва ихчам механизациялар ёрдамида йўл ўтказгич ва кўприкларни таъмирлаш лойиҳаси намойиш этилди. Мазкур компания йўл ўтказгич ва кўприкларни мустаҳкамлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасида инновацион технологияларни жорий қилишда дунёда энг илғор саналади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани кўздан кечириб, ушбу компания технологияларидан унумли фойдаланиш, бунинг учун мутахассислар малакасини ошириш борасида тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Фағрул Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғини ҳам қириб кўрди. Боғни замонавий қилиб қайта қуриш, бу ерда очик ва ёпиқ аквапарк барпо этиш бўйича топширик берди. Боғдаги биронта ҳам дарахт кесилмаслиги кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Камолон маҳалласида қурилаётган кўп қаватли уйларни бориб кўрди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу боғни ҳалқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама гузал ва бетақрор масканга айлантириш, маънавий эътиҳорда ўлмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида боғ ҳудудида Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси барпо этилди.

Хиёбон рўпарасида қурилаётган мазкур уй-жойлар ёзувчи ва шоирларга берилди. Қўлайлик учун биринчи қаватда мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилди.

Шавкат Мирзиёев қуриб битказилган хонадонлардан бирига

кирди. Оидаларнинг тинч-фаровон яшаши, болаларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

— Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, — деди Президентимиз. — Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демокки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез равнақ топади.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароит билан танишди.

— Мактабгача таълим тизими доимий эътиборимизда бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Болалар айни боғча ёшида билимини тез ва осон ўзлаштириши, бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун ушбу тизим ривожини билан боғлиқ масалалар доим диққатимиз марказида бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасалари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишларга тажрибали ижодкорларни ҳам жалб этиш лозимлиги қайд этилди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида замонавий турар жой мажмуалари, ишбилармонлик марказлари, дам олиш масканлари ва сайёҳлар қуриш, жамоат транспорти хизматини яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Президентимиз Бўсўв канали бўйида қурилган сайёҳчилик кўздан кечириди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари самардорлигини оширишга қаратилган инновацион лойиҳа ва ишланмаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай технологик янгилар мавжуди ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш, уларнинг чиқинди-сиз ишлашини таъминлаш, харажатлар ва яроқсиз маҳсулотни салмоқли даражада камайтиришга хизмат қилади.

Технопарклар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Ин-

новацион тадқиқотлар ўтказиш, ички ва ташқи бозорда юқори технологияли, рақобатбардош харидорчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етакчи саноат ва кичик инновацион корхоналар ташкил этиш уларнинг асосий вазифаларидир. Технопарклар зивомасига илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳалар самардорлигини ошириш учун олий таълим муассасалари, академик доиралар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро алоқани йўлга қўйиш вазифаси ҳам юқулатилган.

Туманининг Оқилон маҳалласида бўш турган жойда технопарк ташкил этиш лойиҳаси шулардан бири. Тижорат банклари иштирокида бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак ва спорт товарлари ишлаб чиқарадиган бир неча корхона ташкил этиш режалаштирилган. Бу хотин-қизлар ва туман ёшларини иш билан таъминлашда муҳим омили бўлади.

«Аска» банки томонидан молиялаштирилган «Кўкча текстиль» масъулияти чекланган жамиятининг мато ишлаб чиқариши, унга гул бошиш ва тикувчиликни ташкил этиш лойиҳаси доирасида 2 мингта иш ўрни яратилади. Шунингдек, банкнинг молиявий кўмагида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида «Тўйтепа текстиль» масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа калава-ип ишлаб чиқариш, «индиго» жинси матосини тўқишни назарда тутди.

«Кўкча текстиль» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишчи-ходимлар учун кўп қаватли уй-жой ва манший савдо мажмуаси қуриш лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Шайхонтоҳур туманида айни пайтда 185 тўқимачилик саноати корхонаси фаолият юритмоқда. 2018-2019 йилларда туманда бу йўналишда яна 8 та лойиҳани амалга ошириш ва 1330 дан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Туманда «Certus textiles» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилиши режалаштирилган «Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш» лойиҳаси ҳам 100 та янги иш ўрни яратиш имконини беради. Лойи-

ҳани амалга ошириш учун 5,6 миллиард сўм маблағ сарфланади.

«Алоқча банк» томонидан молиялаштирилган АКТ йўналишида бизнес маркази ташкил этиш лойиҳаси «Cenesis Innovation» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан амалга оширилаётган. Лойиҳа қиймати 55,5 миллиард сўм бўлган марказнинг 5 қаватли биносида 200 киши иш билан таъминланади.

«Ўзмилийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ипотекабанк» томонидан молиялаштирилган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Шайхонтоҳур туманида замонавий кичик саноат зонаси, «AVTO RITET» бренди остида автомобилларча хизмат кўрсатиш бўйича кўп тармоқли мажмуа ташкил этиш, енгил саноат тармоғига инвестициялар жалб қилиш, замонавий уй-жойлар, тиббий диагностика маркази ва мактабгача таълим муассасалари барпо этиш, асални қайта ишлаш ва қадоклашни йўлга қўйиш бўйича режалаштирилган лойиҳалар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари саноатни инновацион ривожлантириш, хорижий тажриба асосида маҳсулотлик ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Тадбиркорларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюриб, уни замонавий масканга айлантиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Боғ марказида Абдулла Қодирийнинг муҳташам ҳайкалининг ўрнатиш, боғни бошқалардан ажралиб турадиган қилиб қуриш, бу ерда адиб яшаган даврини акс эттириш зарурлиги таъкидланди.

Чорсу бозори ва Гулбозор маҳалласида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу тарихий жойда туризмни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани иқтисодийетини ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳадаги

муаммоларни ҳал қилиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилмоқда. Прогноздан ошган солиқ тушумлари маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилиб, уларни сарфлаш бўйича маҳаллий ҳокимликларга кенг ваколатлар берилмоқда.

Масалан, жорий йилда Тошкент шаҳрида прогнозга нисбатан 2 триллион сўмга кўп солиқ тушиб, маҳаллий бюджетда 1,5 триллион сўми қолиши кутилмоқда. Бу 2017 йилга нисбатан 10 баробар кўпдир.

— Тошкентга ҳеч қачон бунча пул берилмаган. Биз нега 1,5 триллион сўми шаҳарнинг ўзига қолдирилди? Туплашиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, одамларнинг маънавий шароитларини яхшилаш, уй-жойлар, боғчалар қуриш, иш ўринлари яратиш учун. Энди жойлардаги раҳбарлар ҳам ўзини қийнаши, садоқат билан ишлаши керак. Четдан келиб ҳеч қанча қачон қилиб бермайди, — деди Президентимиз.

Йиғилиш олдидан Шайхонтоҳур туманидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат урганилиши, кўпга муаммо ва камчиликлар аниқланган эди. Давлатимиз раҳбари бу муаммолар туман ҳокими, маҳалла фаоллари ва марказий идоралар раҳбарлари учун сабоқ бўлиши кераклигини таъкидлади.

Аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида тумандаги 51 та маҳалла бўйича манзилли «Йўл харитасини» тасдиқлаб, ижросини назоратга олиш юзасидан топшириқ берилди.

— Бунда тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллаларни обод қилиш, спорт ва болалар майдончаларини қуриш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига моддий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Туманда 20 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 4 та сектор кесимида манзилли дастур ишлаб чиқиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев учрашувга йиғилган тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Улар олдидан турган муаммоларни ҳал қилиш, режа ва таклифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Алоудин ҒАФФОРОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари

## ТЕСТ СИНОВИ ҲАМ БИР СИНОВ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Куни кеча метро бека-тида тоға-жиян суҳбатини эшитиб қолдим!

— Тоға, ўқимасдан ҳам яшаса бўлади-ку! Нима кераги бор қийна-либ?

— Йўқ. Сен ўқишга бир йўлни қилиб кириб олавер. Кейин кўрасан, пичоғинг мой устида бўлади. Пора олишинг ҳам шарт эмас. Одамларнинг ўзлари "рози бўлиб" ташлаб кетгани сенга мана бундоқ етади! "Тушуми" зўр, жиян, "Тушуми".

Во ажабо! Жигарини нопок йўлдан қайтариш ўрнига, чоғга ташлаётган бундай "меҳрибон"ларга нима дейишга ҳам ҳайронсан. "Одамнинг қорни бир коса овқат, бир тўғрам-нон, бир-икки пиёла чойга тўяди, муҳими, ҳалоллик, инсоф ва диёнат туғини қўлдан бой бермаслик", — дея дунёга доғ тартган алломалар авлоди қачондан бошлаб ҳамма нарса пулга қақадиган, қандай бўлмасин, ишининг битириб ол, қабилидаги худбин фикрда юрадиган

Равшан ОМОНОВ

## "ЖОНСИЗ НИГОҲЛАР"НИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Шаҳзода ЖўРАЕВ

Мактабда аъло ўқиганман. Ўқитувчилик касбига меҳр ўша кезлардаёқ ўйгонган. Вақт ўтган сари бу иштиёқ фақат кучайди. Шу боис академик лицейни тугатгач, ўзим хоҳлагандек Қарши давлат университетининг биология факультетига ҳужжат топширдим.

1 август келди. Қўлимга саволлар китобини олишим билан жавобларни белгилашга киришдим. Шунчалик берилаб кетганимдан хонадаги бошқа абитуриентларга эътибор ҳам қаратмабман. Ёнимдаги ҳамроҳимнинг саволлар китоби ва титул варағи столада йўқлигини ҳам кеч пайқадим.

Кимдир устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Нима қиларимни билмай, бошим қотди. Жанжал-тўполон кўтариб, қолганларга ҳалақит бермаслик учун секингина назоратчига шипшитдим. У: "Ишингизни қилаверинг, ўзимиз ҳал қиламиз", — деди, столи айланиб, ҳалиги йигитнинг ёнига ўтди. Не қўз билан кўрайки: "Қоғозларинг ерга тушиб кетибди-ю", — дея қўйнидан ечилган тестларни олиб, столга қўйди...

Бу воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Аввало, тест синовлари адолатсиз ўтгани, қолаверса, мен ҳавас қилган касб эгаси — ўқитувчи қаллобликка қўл ургани

жуда алам қилди. Афсуски, ўқишга киролмадим. Танишларимга: "Билимим етмади. Келгуси йили ўхшаб қолар", — дедим. Аммо энди тайёргарлик қўришга ҳафсалам қолмагандай. Кейинчалик, тест синовларининг буткул бошқача шаклда ўтишини эшитиб, қалбимда умид учқунланди. Яна китоб ти-тишга киришдим. Ўз устимда аввалгидан-да кўпроқ ишлаб бошладим.

Жорий йилда худди шу олийгоҳга ҳужжат топширдим. Бу йилги имтиҳон буткул бошқача ўтди. Бинога кир-верилганда қаттиқ назоратни қўриб руҳим тетиклашди. Ўзимга ишончим ортди. Хонадаги "жонсиз нигоҳлар" — кузатув камераларини алаб бўлмасди. Ҳаммаси шаффоф ўтди.

Жавоблар эртаси куни чиқиши эса, мени янада қувонтирди. Ниҳоят, орзум ушалди — давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Адолат қарор топганидан хурсандман.

## АЖРИМЛАР — МИЛЛАТ ЮЗИДАГИ ДОҒ

TASHABBUS

Шерзод МАҲМУДУВ

Мамлакатимиз бўйлаб "Биз оилавий ажримларга қаршимиз!" шиори остида оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ойлги ўтказилмоқда

Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича

TARAQQIYOT

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Фарҳоджон ХўҲАЕВ, Ёнги хавфсизлиги институти ўқитувчиси, катта лейтенант

Ёнги хавфсизлиги институтида "Илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, пойтахтимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда академиклар, профессор-ўқитувчилар ва курсантлар иштирок этди.

Тадбирда ёнги хавфсизлиги хизматига салоҳиятли ва малака-

республика кенгашида ташкил этилган тадбирда оилавий ажримларнинг олинни олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди, бу борада қийна-ётган ишлар муҳокама қилинди.

Таҳсилларга кўра, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 16 мингдан зиёд ажрим ҳолати қайд этилган. Бу аввалги даврга қараганда 871 тага кўпдир.

— Оидаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш

мақсадида тарбия-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, 11 минг 209 оилавий муаммолари ҳал этилди, — деди Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Зулхумор Жўраева. — Бу борада ҳали қийнадиган ишлар қалайгина. Келгусида "Ибратли қайноғ" танловини, маҳаллаларда психолог қабулларини ташкил этиш режалаштирилган.

қуммал ўзлаштириши учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнги хавфсизлиги бўлиқлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ёнги хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Анжуман давомида ёнги хавфсизлиги соҳасида амалга оширилган инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Институт профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларининг изланишлари эътироф этилди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар берилди.

Яқунда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.



## ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: АСОСИЙ МАҚСАД МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Дилобар МАМАТОВА,  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигида 10 август кuni Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокарада олий ва ўрта махсус таълими вазири Ином Мажидов ва JICAning Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунео Такасака икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида “Кадрлар тайёр-

лаш учун стипендиялар ажратиш” лойиҳасини муҳокама қилди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кадрлар салоҳиятини ошириш ва бўлажак давлат хизматчилари учун Япони-

янинг илғор олий ўқув юртлирида магистратура йўналишлари бўйича таҳсил олиш имкониятини яратишдан иборат экани таъкидланди.

Учрашувда Мунео Такасака магистратура ва докторантура дастурлари бўйича иқтисод инфратузилмаларини такомиллаштириш, бизнес соҳаси, қонунчилик тизими, соғлиқни сақлашни бошқариш йўналишларида танлаб

олинган номзодлар 2019-2022 йилларда Япониянинг нуфузли олий ўқув юртлирига жўнатилиши ва уларнинг таълим олиш жараёнлари борасида маълумот берди.

Ушбу лойиҳа 1999 йилдан буён ривожланган давлатларда бўлажак раҳбарларни тайёрлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирга қадар 12 мамлакат доирасида ма-

лакали кадрлар етиштириш ва уларни давлат бошқарувига тайёрлаш борасида ҳамкорлик ишлари амалга оширилган. Утган давр мобайнида ўзбекистонлик 310 ёш кадр бу имкониятни қўлга киритган.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон ҳукумати билан JICA ўртасида 262 миллион иен (2,3 миллион АҚШ долларига тенг) миқдоридagi грант битими имзоланди.

ларига қўлқў тутайлик:

— Ота-онанинг бир-бири ва ўзгаларга муносабати фарзанда хулқ-атворида акс этади. Ўз навбатида, болага қилинаётган муносабатда ҳам гап кўп. Ахир, арзimas хатоси учун калтак еб ёки сўкиш эшитиб, дийдаси қотган мурғак эртага қандай қилиб қимил инсон бўлиб етишиши мумкин?!

Атрофга назар ташласак, одамлар тобора жиззакчи, қизикқон бўлиб, муомала маданиятини унутиб бораётгандек туюлади. Йўлнинг ўртасида улловини тўхтатиб, бир-бирини бўралаб сўкаётган ҳайдовчилар оз дейсизми? Ваҳоланки, уларни ҳамма маданиятсиз, дейиши аниқ. Демак, беодоблик билан ҳурмат қозониб бўлмайди.

Бугун ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари кўпаяётгани ҳақида эшитяпмиз. Бунга оид келишмовчиликлар

ҳам сабаб бўлмоқда. Баъзи тенгқурларимиз бир гапдан қолиш ёки ширинсухан бўлишни ўзига эп билмайди. Натижада ўртада уруш-жанжал чиқиб, биров-бировни пичоқлапти, уриб майиб қилляпти. Ачинарлиси, ёш умрлар завол топмоқда.

Лицейда ўқиб юрган кезларим эди. Бир курсдошим юқори курсдаги болага сенлаб гапиргани учун катта тўполок бўлганди. Оқибатда улардан бири шифохонага, бошқаси ахлоқ тузатиш колониясига тушиб қолди.

Ҳа, халқимиз яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқади, деб бежиз айтмаган. Оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўлайлик: Қўполликдан, аввало, ўзимиз жабр кўраемиз. Бир-биримизга очик чеҳра билан муомалада бўлиш ҳаётимизни янада гузалаштиради.

## SENING TENGDOISHING

## ВАҚТИНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАЙДИГАН “АРХИТЕКТОР”

Сарвиноз МАМАНОВА

Айтишларича, ҳар қандай мураккаб заммида оддийлик ётади. Бугун илм-фан ютуқлари билан кимдир ҳайрон қолдириш мушкул. Ахир, инсон ақл-заковати билан ҳатто коинотни забт этган-ку!



Шунга қарамай, ҳамиша янгиликка интилиш ва изланишдан тўхтамаслик керак. Жиззах политехника институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Сардор Синдоров худди шу қолада амал қилади. У техника ва бинокорлик соҳаларига қизиқади. Болалигида бўш қўлдан дегунча турли иншоот ва курилмалар макетларини ясаб билан андармон бўларди. Бундай ижодий жараён тенгдошимизни ҳамиша меҳнатга — билим олишга ундаб келган.

— Ишда унум бўлиши учун, аввало, вақтни тўғри тақсимлаш керак. Мен асосий вақтимни китоб ўқишга сарфлайман, — дейди Сардор.

Қаҳрамонимиз келажакда архитектор бўлмоқчи. Тураржой ва маъмурий бинолар курилиши ҳамда уларни мустаҳкамлаш бўйича замонавий ёндашувлар, технологиялар ишлаб чиқишни мақсад қилган. Ҳар қандай маррага етиш мумкин. Меҳнатдан қочмасак, бас. Буни Сардор Синдоров яхши англайди. Шунга вараша муваффақиятлари ҳам талайгина.

Мақтабдаги устозимиз: “Чинни билан сополнинг қандай фарқи бор?” — деган саволни кўп берарди. Чинни идишни чертсангиз, ўзидан жарандор сано чиқаради. Сопол бўлса, даярли унсиз. Иккаласи ҳам тупроқдан ясалган бўлса-да, аммо бирига кўпроқ меҳнат синггани боис, алоҳида қадар-қимматга эга.

Истеъод ҳам шундай — меҳнат билан юзага чиқади, сайқал топади. Пишиб борган сари эса, қудратли кучга айланиши аниқ. Қаҳрамонимиз келгусида ўз ишининг устаси бўлиб етишишига ишонамиз.

## SIZ NIMA DEYSIZ?

## МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Санжар ЭШМУРОВОД

Ривоят қилишларича, бир кун Хусайн Бойқаронинг суюкли канизаги вафот этибди. Аммо мулозимлар жазоланишдан қўрқиб, бу шумхабарни ҳукмдорга етказишга ботинолмади. Ягона чора сифатида Ҳазрат Навоий ҳузурига бориб, ёрдам сўрабди. Шунда мутафаккир шоир дўстига: “Сарви гулнинг соясинда сўлаи Гул, нетмоқ керак?” деган мисра битган. Хусайн Бойқаро эса, бунга: “Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан бичмоқ керак”, — деб жавоб берган экан.

Юқоридаги воқеа Ҳазрат Навоийнинг қанчалик ҳим инсон бўлгани ҳамда гузал сўзининг аҳамиятини яққол ифодалайди. Умуман олганда, хушмуомалалик билан ҳаётда

кўпгина муаммоларни бартараф этиш мумкин. Буюклар муваффақият калити айнан шунда эканини таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Хўш, чиройли хулқ,

сўзлашув одоби кишида қандай шаклланади? Бунда, аввало, оиладаги муҳит, ота-она тарбияси муҳим ўрин тутуши аниқ. Бу ҳақда психолог Зебунисо Аҳмедованинг фикр-

## BANDLIK DASTURI — AMALDA

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

## БЕКОРЧИЛАР КАМАЙДИ

Тойлоқ туманидаги маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси асосида ташкил этилган тадбирда 65 дан зиёд корхона ва ташкилот 400 дан ортиқ иш ўринини тақлиф этди. 350 нафар йигит-қиз ишга жойлашди.



Ярмарка давомида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга тижорат банклари ходимлари

томонидан бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредит олиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳам берилди.

— Самарқанд давлат университетини тамомлаганман, — дейди Зиёда Намозова. — Тумандаги 5-умумтаълим мактабда мутахассислигим бўйича иш бор экан. Менга маъқул. Энди муассасага бориб, меҳнат шароитлари билан танишаман. Меҳнат ярмаркасини ташкил этганларга раҳмат. Бундай лойиҳалар кўпайишини истардим. Шунда ёшлар ўз йўлини топишда, муаммосини ечишда қийналмайди. Асосийси, бўш юрмайди. Жамиятда иллатлар ҳам камаяди. Ахир, ҳамма иллатнинг боши бекорчилик эканини яхши биламиз.

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

## ҲАЛОЛЛИКДАН ҚЎЙМАСИН

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Ҳалол луқма билан озиқланиш халқимизга хос одат. Бир дам мозийга юзлансак. Халқимиз очарчилик, қаҳатчилик, қимматчилик даврларини бошдан кечиргани ҳақида бобомомолардан эшитганмиз. Абдулла Қаҳҳорнинг болалик хотираларини китобхонлар ўқиган. Очликдан жон сақлаш мақсадида Абдулла болалар билан даладан тут териб келарди. Онаси ундан шинни пиширади. Бошқа егулик йўқ. Тут шинини шунақа таъбга ургандики, инжиқлик қилган укасига “Ҳозир шинни едирман”, — дейишса, у дараҳол йиғидан тинарди.

Ўша оғир йилларда одамлар бугаой ўриб кетилган даладан машоқ тополмай, сичқон-каламуслар инидаги долларни териб еганлари эртас эмас. Туяннинг кўзидек нон учун жонидан кечгудек бўлганларини, одамлар очликдан лаҳад қовлашга, тобут кўтаришга мажбурли етмай, майитлар кўчаларда қолиб кетгани бор гап. Ўзга юртларда эса, одамлар қаҳатчилик ҳукми сурган йилларда дуч келган нарсани, ҳатто бир-бирининг гўштини еишишга бургани тарихий факт. Лекин ўшандай оғир кунларда ҳам халқимиз имонидан кечмаган, ҳаром қилинган нарсаларни емаган, буни бошқаларга ҳам раво кўрмаган.

Бугунги ҳур, тўкин замони-мизда-чи?! Интернет нашрлари, телевидение орқали гўшти ҳаром ҳайвонларни сўйиб, пуллаб тирикчилик қилаётган айрим фалдор кимсалар ҳақида эшитиб, ғазабга келмай иложингиз йўқ. Пул учун турли номақбул ишларга қўл ураётган, тирикчилик деб

гўшти ҳаром ҳайвонлар, ўлаксаларни пуллаётганларни ким деб аташга ҳам ҳайронсан. — Динимиз одамларни ҳалоллик, инсоф-диёнат сари чорлайди, — дейди “Чўпонота” жоме масжиди имом-ноиб Олимжон Хўжанов. — Ислоҳ дини ҳаром нарсалар — ит, эшак, илон, сичқон, каламуш, чўчка гўшларини еишини ман қилган. “Ўзингга раво кўрмаган нарсани, бировга ҳам раво кўрма”, деган ибратли гаплар бор.

Деҳқон ерга эзгу ниятлар билан уруғ қадайди. Яхши ҳосил олиш учун тупроққа вақтида ишлов, керакли озуқа бериш, суғориш лозим. У заҳматли меҳнати, пешона тери эвазига бир кун келиб роҳат кўради. Фарзанд тарбияси ҳам шундай. Имон-этиқоли фарзанд тарбиялаш учун ота-она энг аввал уларга ҳалол луқма едирмоғи шарт. Болалигимда ота-онам уйимизга яқин гўшт дўконлари туриб, икки қишлоқ наридаги Нурман қассобнинг дўконига жўнатарди. Боламан, фарқиға

бормасдим, ота-онамдан хафа бўлардим. Кейинчалик улғайиб, тушуниб етдим. Нурман қассоб ҳалол, тарозидан урмас экан.

Имом Аъзам Раҳматуллоҳ чанқаб, ариқдаги сувдан ҳовучлаб ичиб турса, қип-қизил олма оқиб келибди. Олмадан бир тишлаб: “Ҳақини тўламай олмадан едим”, — деган хижолатда боғбонни излаб кетибди. Боғбонни топиб, унга бўлган воқеани тушунтириб, нима қилса бир тишлам олма ҳақидан қутулишни сўрайди. Боғбон унга икки йил ишлаб берсагина, рози бўлишини айтиди. Имом Аъзам икки йил боғда хизмат қилади. Белгиланган муддат туугач, кетишга изн сўрайди. Шунда боғбон кўзи кўр, оёғи шол қизи борлигини, уни никоҳига олсагина олма ҳақидан кечилишини айтиди. Йигит кўнади. Гушангага кирса, тўрт мучаси соппа-соғ, ойбек қиз ўтирибди. У боғбондан алдаганининг боисини сўради. Боғбон: “Қизимни кўр деганим — номаҳрама қармагани, шол деганим — остона ҳатлаб кўчага чиқмагани”, дейди. Улардан Имом Нуъмон ибн Аъзам туғилади. Бола олти ёшида Курьони қаринини уч кунда ёд олади. Имом Аъзам аёлига қарата:

— Олти ёшли бола уч кунда Муқаддас китобимизни ёд олди-я, — деб ҳайратланса, аёли ўпкалаб: “Бир тишлам олма ейилмаганда бир кунда ёдларди”, — дейди. Қаранг, бир тишлам олманинг ҳақи экан-ку, жамиятимизда туяни ялмамай ютадиганларга нима дейиш мумкин?

Айрим одамлар ариқдардаги


зилол сувни ифлослантириш, исрофгарчиликдан, ёлгон қасам ичишдан, пора олишдан қўрқмай-диган бўлиб қолди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бозорда юрсалар, бир савдогар бугдой сотаётган экан. Қараса, қопнинг таги нам. Шунда у инсонга қарата: “Мусулмонни алдаган мусулмон эмас”, — дейди.

Илгари оталар ризқ топиш учун кўчага отланганида, оналаримиз “Ўзгина бўлса ҳам майли, фақат ҳалол ризқ олиб келинг”, — деб уларни тўғриликка давбат қилган. Биз бутун дунёга фахрланиб кўрсатаётган буюк зотлар — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Ясавий, Бурҳониддий Марғинович шундай ота-оналарнинг зурри-ёллари-да!

Ёшларимиз диний ва дунёвий илмларни эгалласа, яхшиини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан фарқлай олса, юқорида айтилган хулук ишларга асло қўл урмайди. Исталган касбга юксалиш учун унинг сир-асрори, қонун-қоидаларини пухта эгаллаш, соҳа фидойисига айланиш керак. Ҳаром-ҳарий аралашган жойдан барака арийди.

— Қассобликни отамдан ўрганганман, — дейди фарғоналик тенгдошимиз Умиджон Холматов. — Отам бу ишда ҳалоллик, этиқод бутуналиги биринчи ўринда туришини қўлоғимга қуйган. Тарози масаласида эҳтиёт бўлиш зарур. Алдамчилик касбга бўлган беҳурматликдир. “Тарози — Аллоҳнинг ўлчов асбоби, тарозига хиёнат — Тангри таолога хиёнат”, — дерди отам.

... Бозорларимизда гўшт қимматлашди. Бу ём-ҳашак таннар-хи кўтарилгани билан боғлиқ. Шундай вазиятдан фойдаланиб, ҳаром гушга қўшиб имон-виждонини сотишга уринганлар эл аро юзи шувут бўлиб, шармисор бўлиши аниқ.



**YO' QOLAYOTGAN DUNYO'**

Aziz NUR  
Respublika yosh ijodkorlar kengashi a'zosi

— Biz Atlantidaga aylanib boryapmiz. Roziya qanday tikildi. Harchand urinmasin, bu gap bilan uning nima demoqchi ekanini anglay olmadi. So'nggi oylar davomida yosh shoir bir satr ham yoza olgani yo'q. Kechalari stol ustiga muk tushib o'tirib chiqadi. Kunduzi ko'zi qizarib ishga ketadi. Qaytib kelib so'zsiz, yana bir nuqtaga tikilib o'tiraveradi.

Roziya anglaydi: "She'r og'rig'il" O'vutgisi keladi, eski she'rlaridan o'qiydi, o'g'lini qiqir-qiqir kuldiradi. Ziyod bir muddat to'ychog'iga qarab ovunganday bo'ladi-yu, yana o'z dunyosiga sho'ng'iydi. Shunday odamning birdan "Atlantidaga aylanyapmiz" degan gapida qanday sir, qanday og'riq yotibdi ekan? Roziyaning ko'zlariga yosh to'ldi...  
— Ziyod aka, balki biror hafta ishdan dam olarsiz.  
— Nega?  
— Charchaganga o'xshaysiz.  
— Ha, dam olaman. Lekin ishdan charchamadim.  
— Unda nimadan?

— Odamlardan!  
— Odamlardan!  
— Ha, bu olomondan charchadim, Roziya!  
— Ular sizga nima qildi? Sizni hurmat qiladigan, she'rlaringizni sevib o'qiydiganlar ham ular-ku!  
— Yo'q, Roziya, yo'q! Bir paytlar shunday edi. Ho-o-ov o'sha bir paytlar. Hozir yo dunyo boshqacha, yo men o'zgarmanman. Endi mening ko'ngil haqidagi yozganlarim ularga erish tuyuladi. Kitoblarni yillab do'kon peshtaxtalarida sotilmay turadi. Chunki insonlarning endi ko'ngil bilan ishi yo'q. Aslida gap meni o'qimay qo'yishlari, kitobla-

rim sotilmasligi, oxirgi paytlar aytarli narsa yozolmayotganimda ham emas. Hamma gap yo'qolayotgan uchinchi dunyomiz — ko'ngil! Biz Atlantidaga aylanib boryapmiz. Tushunapsanmi, Atlantidaga! Biz yo'qolaymiz, haqiqiy inson sifatida yo'qolaymiz, yuragimiz nurab boryapti. Mana, hozir tashqariga chiq. Duch kelgan insonni to'xtatib: "Men sizni yaxshi ko'raman", — degin. Seni devonaga chiqaradilar. Vaholanki, sen shunchaki unga qalbingni ochding, uni tanimasang ham insonligi uchun, mana shu zamin-da yashab kimlar uchundir

foya keltirayotgani, ehtimol shifokor sifatida dardlarga davo topayotgani, ehtimol quruvchi bo'lib kimningdir hojatini chiqarayotgani uchun yaxshi ko'rishingni aytasan xolos. U bo'lsa senga telbaga qaraganday qaraydi, tilanchi deb o'ylab hamyonidan uch-to'rt so'm chiqazar. Ammo sen o'ylagan narsani anglaymaydi.

Atrofga boq, hiyonat, yolg'on, ig'vo, hasad...  
Qo'rqayman, Roziya, men qalbimni asray olmasam-chi?! O'zim ham Atlantidaga aylanib qolsam-chi?! Ichim changlanyapti. Ulardan qochishimiz kerak, uzoq-uzoqlarga...  
— Qalbingizni insonlar emas, o'zingiz kirlantirayapsiz. Siz qo'rqmang! Axir, sizga katta yurak berilgan! Odamlarni yomon ko'rmang, ulardan charchamang. Ulardan qochish emas, aksincha, ana shu uyquga ketayotgan yuraklarini uyg'otish sizning vazifangiz emasmi? Sizga "so'z" berilgan, dadasi! Bu naqadar ulkan baxt va mas'uliyat ekanini mendan yaxshiroq anglaysiz-ku. Ko'ngillar yo'qolmayapti, ular yo'qotilyapti. Birgina samimiy tabassum, yaxshi so'z, dalda bilan ularni topish mumkin! Ko'ngilsiz, deb siz, men ulardan qochsak, insonlar o'zini yo'qotish darajasiga yetmaydi deb kim kafolat bera oladi?!...  
Roziya tumush o'trog'ining to'zg'igan sochlarini tekisladi.  
— Dadasi, siz yozishingiz kerak!  
Ziyod uxlay olmadi! Necha oylardan buyon ko'ksini kuydirayotgan she'r shu tunda tug'ildi!...  
...Hayqir, shoir, hayqirqlaring, Uxlab yotgan dilni uyg'otsin!..

**KITOB JAVONINGIZGA**

*So'nmagan umid*

Ma'mura XO'JAQULOVA

Uyga kelsam amakim buvimga kuyunib gapiryapti. Biroz kuzatgim, oxiri nima bilan yakun topishini bilgim keldi. Amakim:

— Oyi, ko'rmaysizmi, keliningiz Xudo bergan kuni kasal. Hali u yog'im, hali bu yog'im og'riydi, deydi. Topgan pulim dori-darmonga ketyapti. Biron ish buyurib ham bo'lmaydi. Gulday bolalarim bo'lmaganida allaqachon ajrashar edim.



Shunda buvim kinoyali kulib dedi: "Eh o'g'lim, nega buncha betoqatsan-a, kelin bechorani ham tushungin-da. Qizing tug'ilganidan keyin ancha holdan toydi. Bolani parvarishlash osonmi. Xotiningni xasta dema! Eshitsa qalbi o'ksiydi. Bir paytlar Abdulla Qahhorning "Ming bir jon" hikoyasini shunday qiziqish, hayajon bilan o'qigan edimki, haliyam yodimda qolgan. Asarda Masturaning o'n yil betob bo'lib yotgani, unga eri Akramjon g'amxo'rlik bilan qaragani bayon etiladi. Vaqt topib, sen ham shu hikoyani o'qib chiq. Zora,

aqling kirib qolsa...".

Bu gapdan so'ng taniqli adibimiz Abdulla Qahhor ijodiga o'zim ham qiziqib qoldim. Kutubxonadan buvim aytgan hikoyani topib o'qidim. Asar mohiyatiga mehr-muhabbat, sadoqat, sabr-bardosh tuyg'ulari sindirilgan. Hikoya qahramoni Mastura tumush qurganiga bir yil o'tar-o'tmas qattiq xastalanib qoladi. Ayol to'shakda behol yotar ekan, yorug' kunlar kelishini intizor kutib yashaydi. Shunga ishonadi. O'lim yuziga tik boqib, u bilan kurashadi.

Alloh suygan bandasiga turli tashvishlar yuboradi, deganlaricha bor ekan. Hikoya qahramoni ham shunday sinovlarga duch keladi. Ammo u metindek irodasi bilan barcha qiyinchiliklarga chidadi. Masturaning oyoqqa turishida tumush o'trog'i Akramjon ham behisob hissa qo'shadi.

Sevgi va sadoqati bilan ayoliga madadkor bo'la oldi. Qiyin damda suyadi, yordam berdi. Bu jihatdan Akramjonni bugungi erkaklarga namuna qilib ko'rsatsak arziydi.

Asarni mutolaa qilar ekansiz, Mastura tilidan bayon etilgan tobut voqeasiga befarq bo'lmaysiz. Tobut so'zini eshitgan zahotiy oqet junjikadi. Endi faraz qiling, o'lim bilan olishayotgan inson bu paytda qanday ahvolga tushar ekan? Ha, bu haqda o'ylashning o'zi qo'rqinchli. Ammo Mastura juda kurashuvchan inson. Umri oxirlab borayotganiga sira ishongisi kelmaydi. Shu tufayli operatsiyaga ham rozi bo'ladi. Obrazli qilib aytganda, uni dushman tomonga shaxdam qadam tashlab borayotgan yarador jangchiga qiyoslash mumkin.

"Ming bir jon" yozilganiga yarim asr o'tgan bo'lsa ham, haligacha ahamiyatini yo'qotmagan. Ushbu hikoyani o'qigan har bir kitobxonning hayotga bo'lgan qarashi o'zgarishi aniq. Demak, fursatni boy bermang, tengdoshim!

**ENSIKLOPEDIK MA'LUMOT**

**HOSIL BAYRAMI** — o'zbek xalqining qadimiy marosimlaridan biri. U kuzda barcha ekinlar yig'ib-terib olinganidan keyin, asosan, qishloqlarda o'tkazilgan. Mustaqillikdan keyin shaharlarda o'tkazish ham ommaviy tus oldi. Hosil bayrami 2-3 kun xalq sayillari tarzida davom etib, dehqonlar, hunarmand va kosiblar mahsulotlarining savdosi tashkil etilgan. Poyga, ko'pkari va boshqa musobaqa o'yinlari ham uyushtirilgan. Ba'zi qishloqlarda qo'chqor, taka, xo'roz, tuya urishtirish odat bo'lgan. Jamoalarda shu kunlari mol so'yilib, elga xudoyi ham qilingan. Hosil bayrami va u bilan bog'liq marosimlar birmuncha o'zgarishlar bilan hozirga qadar yetib kelgan.

**O'QING, BU QIZIQ!**

Ko'pchilik tabiatning mo'jizakor ehtidasi — kamalakni ertalab yoki shomda ko'rishga odatlangan. Ammo u tunda ham paydo bo'ladi. Bunday holat oy kamalagi, deb ataladi va yorug'lik nurlari to'g'ridan-to'g'ri Quyoshdan emas, balki Oydan akslanganida vujudga keladi. Kamalak yetti rangda tovlanadi. Adashdingiz! Aslida esa, ularning soni millionlarga yetadi. Faqat inson ko'zi barchasini ilg'ay olmaydi, xolos.

**BUGUNNING GAPI**

*Milliy o'yinlar millatni tarbiyalaydi*

Yulduz XOLIQOVA

Momomning aytishicha, ilgari bolalar orasida "Quloqcho'zma" o'yini juda ommalashgandi. U asosan Qashqadaryo, Surxondaryo tomonlarda ko'pkari yoki kurash o'tkaziladigan to'yalarda o'ynalgan.

Qoidaga ko'ra, o'rtaga ro'mol tashlanib, bolalar uni bir-biridan tortib olishi kerak. Buning yagona yo'li — quloqdan cho'zishdir. Belgilangan marraga yetguncha shunday. Ro'molni qo'ldan oldirmagan bola sovindor bo'ladi. Bu o'yin o'g'il-qizlarni or talashish, o'z haqini ayirib olish, chidamli bo'lishga o'rgatadi.

Bugun "Quloqcho'zma" butkul yo'qoldi hisob. Vaziyat shu zaylda davom etsa, ko'pkariga "madaniy o'yin emas", deya tosh otaversak, ertaga "milliy kurashdan voz kechish kerak, o'rniga dzyudo bilan shug'ullanish lozim", deysingacha borsak, bizda nima qoladi o'zi?! Yaqinda qishloqqa borib, bolalar chillak o'ynaganini ko'rdim. Shaharda-ku harakatlil o'yinlar o'rni allaqachon kompyuterlar egallab olgan.

Ilgari ota-ona bolasiga: "Hoy Eshmat, bo'ldi, ertaga o'ynaysan, uyga kir. Kech bo'lib qoldi", — deb tanbeh berardi. Bugun esa: "Hoy Toshmat, bo'ldi, turaqol, ko'chaga chiqib o'rtoqlaring bilan o'ynab kel", — deb iltimos qilyapti. Bir hisobdan kulgili tuyular, ammo aytayotganimiz hayot haqiqati.

Esimda, maktabimiz yaqinida daraxtlar bilan o'ralgan maydoncha bor edi. Tanaffusda o'sha yerga chiqib, "Chillak"mi, "Beshtosh"mi, "Chit-tigul"mi, ishqilib, biron o'yin bilan andarmon bo'lardik. Bolalik onlarini xotirlaganda, ko'pincha mana shu manzaralar ko'z o'ngimdan o'tadi.

Hozir milliy o'yinlarimizni bolalar tugul, ba'zi ota-onalar ham bilmaydi. Bu achinarli hol. Axir, farzandlarimiz milliy o'yinlardan bebahra ulg'aysa, bora-bora o'zligini unutib qo'yishi aniq-ku! Nazarimda, mazkur masalaga befarq qolib bo'lmaydi.

Shu o'rinda taklifim bor: boshlang'ich sinflarda dars o'tishning interfaol usullari qatoriga xalq o'yinlari ham kiritilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

bo'lib qoldi", — deb tanbeh berardi. Bugun esa: "Hoy Toshmat, bo'ldi, turaqol, ko'chaga chiqib o'rtoqlaring bilan o'ynab kel", — deb iltimos qilyapti. Bir hisobdan kulgili tuyular, ammo aytayotganimiz hayot haqiqati.

Esimda, maktabimiz yaqinida daraxtlar bilan o'ralgan maydoncha bor edi. Tanaffusda o'sha yerga chiqib, "Chillak"mi, "Beshtosh"mi, "Chit-tigul"mi, ishqilib, biron o'yin bilan andarmon bo'lardik. Bolalik onlarini xotirlaganda, ko'pincha mana shu manzaralar ko'z o'ngimdan o'tadi.

Hozir milliy o'yinlarimizni bolalar tugul, ba'zi ota-onalar ham bilmaydi. Bu achinarli hol. Axir, farzandlarimiz milliy o'yinlardan bebahra ulg'aysa, bora-bora o'zligini unutib qo'yishi aniq-ku! Nazarimda, mazkur masalaga befarq qolib bo'lmaydi.

Shu o'rinda taklifim bor: boshlang'ich sinflarda dars o'tishning interfaol usullari qatoriga xalq o'yinlari ham kiritilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

**1 SAVOLGA 1 JAVOB**

Savolga O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Yon'g'in xavfsizligi instituti o'quv jarayonini tashkillahtirish va muvofiqlashtirish bo'limi inspektori, katta leytenant Komil Nortillayev javob beradi:

— Darhaqiqat, Ichki ishlar vazirligi Yon'g'in xavfsizligi institutining qayta tayyorlash va malaka oshirish fakulteti tarkibida rahbar kadrlarni tayyorlash Oliy kurslari tashkil etildi. Nomzodlardan

— Davlat yon'g'in xavfsizligi xizmati uchun rahbar kadrlar tayyorlash Oliy kurslari tashkil etilgan haqida eshitdim. Ularga qabul qachondan boshlanishi va imtihonlar qay tartibda o'tkazilishi haqida ma'lumot bersangiz.

Saidbek SHAMSIYEV  
Qorako'l tumani

hujjatlar hududiy yon'g'in xavfsizligi boshqarmalari tavsiyanomasiga asosan har o'quv yili yakunlanganidan boshlab to'rtinchi oyga qadar qabul qilinadi. 2018/2019 o'quv yili uchun imtihon 4 avgustdan boshlanadi. Kirish imtihonlari uch bosqichdan iborat. Nomzodlar jismoniy tayyorgarligini sinovdan o'tkazishi, xizmat yo'nalishi va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bo'yicha nazariy test savollariga javob berishi kerak. Yankunda ular suhbatdan o'tkaziladi.

**NUQTAYI NAZAR**

*Tabiatni yengish emas, asrash kerak*

Farrux MIZROBOV

Suvi behuda oqib turgan jo'mrak, yo'lakka tashlab ketilgan chiqindi uyumi, oyoqosti qilingan maysazor... Bunday noxush manzaralarga tez-tez duch kelyapmiz. Ko'pchiligimiz e'tiborsiz o'tib ketamiz.




Aslida katta ekologik muammolar mana shu kabi kichik, bir qarashda arzimas tuyulgan narsalardan boshlanadi-da. Masalan, Yer yuzida har yili 9 million kishi atrof-muhit ifloslanishi qurboniga aylanadi. Global isish, cho'llashish kabi

tabiiy ofatlarning oldini olish o'z qo'limizda ekanini anglatmas ekanimiz, vaziyat bundan battar bo'lib borishi tayin. Bugungi dunyo tabiiy resurslar tanqisligi sharoiti-

Uni qondirish uchun yana tabiatga murojaat etishga to'g'ri kelyapti. Shunday qilib, ba'zi mamlakatlarda o'simliklardan elektr energiyasi — bioenergiya olish usullari ommalashayotgan bo'lsa, boshqalarida suv resurslari yoki quyoshning cheksiz salohiyati ishga solinyapti. Masalan, Evropa-da uylar tomlariga quyosh batareyalarini o'rnatish odatiy holga aylangan.

Tabiatni asrash uchun ko'p narsa kerak emas. Avvalo, suv, tabiiy gaz, elektr energiyasi kabi resurslarni tejash, chiqindilarni faqat belgilangan joylarga tashlash lozim. Shunda bizdan avlodlarga obod maskanlar qoladi.

**JARGA UNDA "PIYODANI", GO'RIGA G'ISHT QALASHIB, "KO'LANKALAR" ASARLARIN O'ZLASHTIRAR TALASHIB!**



**MUASSIS**  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdalievich

**TAHRIIR HAY'ATI**  
Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinnosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinnosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich  
Norboyev Jamoliddin Jumanazar o'g'li

Navbatchi  
Akbarjon Abduraimov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatida chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-836  
Adadi — 12073

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 00.25  
O'ZA yakuni — 23.25

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Offset usulida bosilgan

1 2 3 4 5 1